
ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК, ХУНАРМАНДЧИЛИК “ПИЁЗЧИЛИК” МАҲАЛЛАСИНИНГ “ЎСИШ НУҚТАСИ” СИФАТИДА БЕЛГИЛАНГАН

Тошлоқ туманининг “Пиёзчилик” маҳалласида оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик маҳалланинг “ўсиш нуқтаси” сифатида белгиланган бўлиб, бугунги кунда ҳудудда аҳоли, хусусан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш ва бунинг самараси сифатида камбағалликни тугатишга катта эътибор қаратилмоқда.

2022 йил маҳаллада хунармандчилик йўналишида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагидаги 50 нафарга яқин хунарманд оилаларга 650 миллион сўмга яқин имтиёзли кредит ажратилди. Натижада 150 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Айни пайтда маҳаллада 200 дан кўпроқ оилаларда хусусий тадбиркорлик, хунармандчилик фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, 30 нафар хотин-қизлар ўз тадбиркорлиги орқали маҳалладошлари учун доимий даромад манбаига эга бўлган иш ўринлари яратишга эришмоқда.

Нозимахон Ёқубова қўли гул чевар. Ҳозирда 10 нафар маҳалладошни ёнига олиб, миллий услуб, дизайн асосида эркаклар ва аёллар кийимларини тикади.

- Ҳар ойда ўртача 5000 жуфт пойабзал тайёрлаб, ички бозорга етказиб берамиз, - дея суҳбатимизни давом эттиради оилавий тадбиркор Муқаддас Солиева. – Оиламизнинг йиллик даромади ўртача 120 миллион сўмни ташкил этади. Косибчилик йўналишида 10 нафар маҳалламиз хотин-қизларини иш билан таъминлаганман.

Давлатимиз раҳбарининг 25 январь кунги йиғилишида устувор вазифа сифатида белгиланганидек, эндиликда маҳалладаги ҳар бир оиланинг ягона рақамли паспортини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Шу тариқа камбағалликдан чиқариш борасида ҳар бир оилага алоҳида дастурлар тузилади. Бандлик дастури ишлаб чиқилиб, касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш чоралари кўрилади.

Тошлоқ тумани ҳокимлиги ахборот хизмати

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-01-30 11:33:22